

1.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҶОДИРИЙ НОМЛИ  
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

51408000 – Педагогика – психология йўналиши

«ТАРБИЯСИ ҚИЙИН БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ»

мавзусида бажарган

Р Е Ф Е Р А Т И

Бажарувчи: Умаров Акром

“Педагогика-психология” йўналиши  
IV курс талабаси.

Илмий раҳбар: проф.Х.А.Мелиев,  
кат. ўқит. А.В.Қаюмов

Жиззах – 2011

## **МУНДАРИЖА**

### **КИРИШ**

---

**3**

#### **I - БОБ. ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎСМИРЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА РЕАКЦИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

- 1.1. Ўсмирлар хулқ-атворини ўрганиш тамойиллари ва 5-12 реакциялари \_\_\_\_\_
- 1.2. Бола тарбиясидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш 12-14 муаммолари \_\_\_\_\_

#### **II - БОБ. ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎСМИРЛАР ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШ МАСАЛАЛАРИ\_\_\_\_\_**

- 2.1. Индивидуал ёндашувнинг бола тарбиясида самарадолиги \_\_\_\_\_ 15-20
- 2.2. Ўсмир камолоти ва унинг характеристидаги шаклланиш жараёни \_\_\_\_\_ 20-22

**ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР \_\_\_\_\_**

**ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ \_\_\_\_\_**

## К И Р И Ш

Ўзбекистон мустакилликка эришгандан сўнг жамият ҳаётида ёшларга бўлган эътибор кучайди. Кундалик ҳаётда тарбияси қийин болаларнинг учраб турганлиги жамият муҳитига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганлариdek: "Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб келади. Унинг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бакувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган шахсларни тарбиялаш имконига эга бўламиз".

Таъкидлаш жоизки, барча мамлакатларда бўлгани каби ёшларимиз орасида ҳам тарбияси оғир ва ноқобил фарзандлар мавжуд бўлиб, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Тарбияси оғир болалар билан ишлаш азалдан долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Кўпгина олимларнинг фикрига кўра (Дубинин Н.П., Сергейев Б.Ф. ва бошқалар) шахснинг генетик хусусиятлари, туғма касалликлар ва хусусиятлар ҳам шахснинг хулқ-авторига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатар экан. Шу билан бирга, бу муаммонинг келиб чиқишига бир қанча ташқи сабаблар ҳам таъсир қилиши мумкин (телефизор, компютер ва интернетдаги ахборотлар, катталарнинг эътиборсизлиги, оиласидаги кризис ва бошқалар). Мазкур омилларни инкор етмаган ҳолда ушбу муаммонинг асосий сабабларини боланинг психик шаклланишидан ҳам қидириш мумкин.

Маълумки, тарбия узлуксиз жараён бўлиб, у инсон дунёга келишидан то умрининг охиригача давом етади. Бу жараён давомида атроф-муҳитдаги воқеа-ҳодисалар шахсга салбий ёки ижобий таъсир этиши мумкин ва бу унинг шахсий фазилатларининг шаклланиш даражасини белгилаб беради. Бу эса таълим соҳаси олдидағи энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Тарбияси қийин болалар билан ишлашнинг педагогик асослари номли ушбу ишнинг мақсади: Тарбияси оғир болаларнинг келиб чиқишининг педагогик омилларини ўрганишдан иборат.

Ушбу ишнинг вазифалари: Тарбияси қийин болаларнинг пайдо

бўлиш сабабларини аниқлаш; Тарбияси қийин ўсмирларнинг педагогик хусусиятларини ўрганишdir.

Тадқиқот объекти умумтаълим мактабларининг вояга етмаганлар билан ишлаш назорати бўлими, Жиззах шаҳар Ички Ишлар Бўлим мининг Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимларида. Назоратда турган тарбияси қийин ўқувчилар. (11-12, 14-15 ёш) тадқиқот объекти этиб танланди.

Тадқиқот предмети: Тарбияси қийин ўсмирлар ва улар билан ишлаш.

Тадқиқот методлари: Тадқиқот жараёнида суҳбат, оғзаки сўров, анкета, кузатиш, математик статистик тахлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологик асоси: Тарбияси қийин ўқувчилар билан ишлашга қаратилган меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган нутқлари, Шарқ мутафаккирларининг қарашлари, педагогикага оид адабиётлар, Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар Тайёрлаш Миллий Дастури.

## **1. БОБ ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎСМИРЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА РЕАКЦИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

### **1.1. Ўсмирлар хулқ-атворини ўрганиш тамойиллари ва реакциялари**

Тарбияси қийин ўсмирларга индивидуал ёндашишнинг энг мураккаб шарти, уларнинг психологик хусусиятларини мукаммал билишdir. Шахсни чуқур ва ҳар томонлама билиш уни алоҳида ажратилган индивид сифатидагина эмас, балки жамоа билан алоқада бўлиш демакдир. Ўсмирни ўрганишнинг барча тамойиллари ажралмас ва ўзаро бир-бири билан боғликдир. Улар қуидагилардан иборат:

**Биринчи тамойил:** ўсмирнинг индивидуал хусусиятлари кўп сонли ва хилма-хил боғланиш ва муносабатлар системасига боғлиқдир. Бу ўсмирнинг бирор-бир хусусияти у олд характер хусусияти ўз-ўзидан намоён бўла олмайди. Масалан, ўсмирда ўткир ва синчков ақлни пайқаймиз. Лекин агар биз унинг ақли нимага йўналтирилганлигини, унинг синчковлиги касбини эгаллашда намоён бўлиш бўлмаслигини унинг ўқувчилар билан ўзаро муносабатига таъсир этиш-этмаслигини ва ҳоказоларни билиб олмасак, бу хусусиятни ахамияти қолмайди ёки ўсмирни иродасиз деб ҳисоблайдилар. Бироқ умуман руҳи соғлом киши иродасиз бўлмайди.

**Иккинчи тамойил:** бу тамойил-объективлик инсон ҳақида, ҳатто ўта тажрибали мутахассис бўлмасин қандайдир бир кишининг фикрига қараб хулоса чиқариб бўлмайди. Кишини тўғри тушуниш учун у ҳақидаги фикрларни, лекин уни яхши билувчи кишиларнинг фикрларини қиёслаб кўриш керак.

Бу ишини ўсмир ҳақидаги фикрлари анчагина асосли бўлган кишиларнинг ота-оналари, ўқитувчилари, дўстлари қилиши лозим. Бироқ ўсмирни ўрганишнинг объективлиги у ҳақидаги фикрларни қиёслаш билан чекланмайди.

**Учинчи тамойил:** улғайишни ўрганишнинг динамиклиги. Инсон умр

бўйи ўзгариб боради. Ёш улғайгани сари ўзгариш асосан сустлашади, камрок сезилади, албатта жисмоний, баъзи холларда эса руҳий холатдаги ўзгариш жуда жадаллик билан юз беради.

**Тўртинчи тамойил-** ўрганишнинг диалектикасиdir. Педагогик жиҳатдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган ўсмиrlар орасида ўзининг тор муҳити: оиласидаги ахлоқсизлик муҳити бошқа энг яқин теварак-атрофдагиларнинг салбий таъсирига берилган ёки таъсирини хали ҳам бошдан кечираётганлар оз эмас.


**Бешинчидан:** бу тамойил - ўсмиrlарни ўрганиш доирасидан чиқиб ҳам ўсмири ўрганиш, ҳам унга тарбиявий нуқтаи-назардан ёндашиш тамойили ҳисобланади. Бу педагогик оптимизм тамойили бўлиб, умуман тарбияда жуда муҳим, тарбиялашда эса икки ҳисса аҳамиятлиdir.

**Олтинчи:** ушбу тамойилда ўрганиш профессионализми, яъни ўсмир психологиясини чукур билиш ва уни тўғри тушуна билиш лозим. Илмий техника революцияси асрида одамлар билан ишлашда факат соғлом фикр ва интиуицияга таяниб қўя қолиш мумкин эмас.

**Еттинчидан,** мақсад кўзлаганликдир. Ўсмири ўрганиш уч вазифани хал етишни кўзда тутади: ўсмири ўқитиш ва тарбиялаш учун унинг қулай хусусияти ва имкониятларини аниқлаш, уни ўқитиш ва тарбиялашда воситаларнинг самараదорлигини баҳолаш.

1-диаграмма

**Ўсмирни ўрганишнинг барча тамойиллари ажралмас ва ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги**



**Ўсмирлар хулқ-атворининг реакциялари.** Характер асосан ўсмирлик даврида шаклланиб, кейинчалик фавқулотдаги таъсиrlар ёрдамида айrim ўзгаришларга эга бўлиши мумкин. Ўсмирлик даврига хос бўлган муайян яъни, ўсмиr хулқ - атворининг, муҳитнинг айниқса яқинларининг ўзаро таъсирига бўлган хулқ - атвор реакцияси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўзига хос бўлган ўсмиrлик хулқ — атворининг реакциялари куйидагилар:

1. **Эмансипация реакцияси.** У катталарнинг қарамоғидан назоратидан ва ҳомийлигидан озод бўлишга интилиш, ҳаракат қилишида намоён бўлади. "Озод бўлиш" эҳтиёжи мустақил ҳаётга интилиш билан боғлик бўлиб, бу реакция ўғил болаларда қизларга нисбатан кучлироқ намоён бўлади. Ушбу реакция ўсмирликнинг кичик ва ўрта давларда социо – психологик омил таъсирида кенгроқ тарқалади. Психопатия шароитларига эмансипация реакцияси ашаддий кўриниши бўлиб ўсмирнинг уйидан қочиб кетишида намоён бўлади.

2. **Тенгдошлари билан гурухлашган реакция.** Ўсмирларга тенгдошлари билан гурухларга бирлашиш ва жипслашиш - инстинктлик даражасига хос жараёндир. Одатда икки турдаги ўсмирлар гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчиси, бир жинсга асосланиб, унда ашаддий лидер мавжуддир ва гурухни барча аъзоларининг вазифалари, уларнинг гурухдаги ўрни қатъий белгилаб қўйилган бўлади. Бундай турдаги гуруҳда "Лидернинг адъютанти", "Антилидер", "Икки юзламачи" каби роллер мавжуд бўлиб, улардан биринчиси одатда унга интеллектуал қобилиятга эга бўлмаган, лекин жисмоний кучли бўлган ўсмиr бажаради. Иккинчиси, лидернинг ўрнини эгаллашга ҳаракат қиласиган, учинчисини эса у томонга ҳам, бу томонга ҳам ўтиб юрадиган ўсмиr амалгам оширади. Гурухнинг таркиби барқарор равища бўлади ва янги аъзоларни фақатгина муайян "синовлар" асосида қабул қиласиган.

Иккинчи турдаги гурух эса ролларни қатъий тақсим этилмагани ва унда доимий лидернинг йўқлиги билан изоҳланади. Лидернинг вазифаларини одатда гурухнинг турли аъзолари бажарилаётган вазифанинг мақсадига мувофиқ бажаришлари мумкин. Гурух аъзолари икки жинс вакилларидан таркиб топади ва унинг таркиби барқарор эмас, яъни бири кетади, бири келиб қўшилади.

**3. Қизиқиши - ҳобби реакцияси.** Ўсмирлик даври учун қизиқиши - ҳобби ўзига хос хусусиятни мужассамлаштиради. Ҳудди бола учун ўйин зарур хусусиятга эга бўлганидек ўсмирнинг шахс сифатида шаклланиши учун қизиқиши мухим аҳамият касб этади. Бахтга қарши замонавий педагогикага оид адабиётларда ушбу муаммо чуқур тадқиқ этилмаган. Қизиқиши педагогик ҳодисаларнинг алоҳида категориясини ташкил этиб, у бир томондан майл, бошқа томондан иштиёқ ва ҳавас ўртасида жойлашади. Қизиқишлиарни бирор бир тизимга жойлаштириш жуда мураккабдир.

Бизнингча, қуйидаги таснифни шартли равишда қабул қилиш мумкин:

1. Интеллектуал - эстетик қизиқишлиар предметга нисбатан чуқур қизиқиши билан ифодаланади. Атрофдагилар учун бундай қизиқишлиар аҳамиятсиз, ҳатто ғалати туюлиши мумкин. Лекин ўсмир учун уларнинг аҳамияти бекиёсdir.

2. Жисмоний қизиқишлиарга ўз кучи, чидамлилиги, чаққонлиги ва моҳирлигини оширишга бўлган ҳаракатлар киради. Шунингдек, турли жисмоний қизиқишлиар, автомобил ёки мотоциклни бошқаришга қизиқишлиар тааллуқлидир.

3. Лидерликка қизиқиши бошқаларга раҳбарлик қилишга интилиш учун ҳизмат қиласидиган ҳодиса ва ҳолатларда намоён бўлади. Бундай қизиқиши кучли бўлган ўсмирлар турли гурухларда манфаатларга эришиш учун тўғри йўналтирилган шароитларда ижтимоий фойдали фаолият кўрсатиш мумкин.

4. Йиғишга қизиқиши турли хилдаги коллексияларни йиғишида намоён бўлади. Ҳар бир коллексия муайян моддий аҳамиятга эга бўлишини ҳис

қилиш туфайи ушбу қизиқишининг асосини моддий фаровонликка эришишга йўналтирилган ҳаракат ташкил этади.

5. Дастребаки қизиқишлир. Атрофдагиларнинг диққат марказида бўлишига туртки бўлади. Бу ерда энг муҳими бадиий ҳаваскорлик ёки спорт мусобақаларида қатнашиш ёки охирги модадаги кийим воситасида ўзини намоён қиласди.

6. Жўшқин қизиқиши. Доимо, жўшқинликнинг ўзига хослигига асосланади ва карта ўйин, қимор ва гаровга интилишида намоён бўлади. Бундай ютуқ албатта жозибадор бўлса ҳам, лекин қалтис таваккал қилиш ҳис-туйғуси муайян лаззат баҳш этади.

7. Информатсион коммуникатсион қизиқиши янги енгил ахборотларга эга бўлишига интилишда мавжуд бўлади. Ушбу ҳобби тасодифан учраб қолган сухбатдош билан бўлиб ўтадиган кўп соатлик қуруқ гапга мосланган сухбатда намоён бўлади. Шунингдек, саргузашт дедектив фильмларни кўриш орқали ҳам вужудга келиши мумкин.

Шундай қилиб, юқорида таъкидлаб ўтилган ўсмир реаксиялари муайян шароитларида вужудга келиб, улар ўсмирлик даврининг кечишида ўзининг маълум бир ҳиссасини қўшади.

Маълумки, кейинг йилларда ривожланган мамлакатларда ўсмирлар орасида уйдан кетиб қолиш, яъни дайдилик оммавий тарзда рўй бермоқда. Шу билан бирга социал хатти - ҳаракатлар, агрессивлик, бешавқатлик, алкоголизм муаммолари кўрина бошланди. Зеро, оилада, ўкув гурухида, ишлаб чиқаришда, ўртоқлар доирасида, "қийин" шахс учраса, бу холат қандай оқибатларга олиб келиши ҳаммага аён. Психологларнинг аниқлашича, характернинг янги сифатлари юзага келиш ва қийинчилик уларнинг мустаҳкамланиши реал вазиятни тақозо этади.

Шунинг учун хатти - ҳаракат одатни, одат эса характерни ва характер тақдирни яратади, деган фикр мавжуд. Характер қандайдир турғун ва ўзгармас нарса эмас. Шахснинг характери жисмоний етуклик даражасига етгандан сўнг шаклланишда давом этади. Бироқ шахс характерининг негизи

ўсмирлик ёшидан таркиб топади. Айни шу даврда унинг характерида акцентуация типлари хусусиятлари, жумладан эмонсипация реакцияси тенгдошлари билан чуқурлашиш реакцияси, иштиёқ реакцияси (хобби-реакция) ва сексуал майл шаклланишидаги реакциялар устуворлик қилади.

Одатда акцентуатция характернинг шаклланиш даврида ривожланиб, ёш улғайиши билан "силлиқлашиб" боради. Характер акцентуатсияси - бу меъёрнинг энг охирги варианти бўлиб, бунда характернинг алоҳида белгилари жуда кучайиб кетади. Натижада маълум турдаги психоген таъсиrlарига нисбатан "танловчи заифлик" юзага чиқади. Бошқача психоген таъсиrlарга яхши ва ҳатто юқори чидамлилик сақланиб қолади. Аниқ акцентуатсия-меъёрнинг энг сўнги вариантига тегишли.

Аксентуатсиянинг бу даражаси ўсмирнинг яқинларидан тўплаган маълумот тенгдошлари орасидаги кузатиш, диагностик сўроқнома аниқланади. Аммо маълум тип белгиларининг ифодаланганлиги ижтимоий адаптатсияга тўсиқ бўла олмайди. Яширин акцентуатсия- бу меъёрнинг энг охирги варианти эмас, балки меъёрнинг одатдаги вариантига тегишлидир. Одатдаги ўрганилган шароитда маълум бир характер типи кучсиз ёки умуман ифодаланмаган бўлади. Бу икки акцентуатсия даражаси турли омиллар таъсирида бир - бирига ўтиб туриши мумкин. Бу омиллар ичida оила тарбиясининг хусусиятлари, муҳит, касбий фаолият, соғлиқ муҳимдир.

А. Е. Личко 2 та акцентуатсия типини ажратади. Бундан ташқари 14 аралаш вариантларини кўрсатади.

Ҳар бир типни аниқлашда фақат характерологик хусусиятлар эмас, балки клиник белгилар, жумладан, невропатия, марказий асад тизимиning анорганик шикастланиши, фазаси аффектив бузилишлари ҳам кузатилади. Аксентуатсиянинг келиб чиқишида нотўғри тарбиянинг ўрни алоҳида таъкидланади. Аксентуатсиялашган ўсмирлар билан психопрофилактик усуллар, аввало уларнинг акцентуатсияси типига боғлиқ ҳолда у учун энг оптимал шароит яратиш йўли билан амалга оширилади. Хулқ - атвон профилактикаси педагог ўқитувчи, ота - онанинг ишидир. Асосий мақсад

рухий шикастловчи шароитларга нисбатан асаб тизимининг чидамлилигини тарбиялашдир. Буларга тўғри ташкил етилган ақлий меҳнат, дам олиш, асаб бузилишининг асосий жараёнларини машқлантириш киради. Уларнинг индивидуал - психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шахсий ёндашиш, унинг рухиятини ҳимоя қилиш, асраш тамойилларига асосланиши керак.

## **1.2. Бола тарбиясидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олиш муаммолари**

Тарбияси оғир болалар билан ишлаш азалдан энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган.

Бу муаммонинг юзага келиш сабабларини чукур таҳлил қиласиз, энг аввало, туғилган боланинг уни дунёга келтирган шахсларнинг кимлиги, иккинчидан у қандай ижтимоий мухитда туғилиб вояга етиб, улғаётганлигига эътибор қаратишимиш лозим. Кўпчиликнинг фикрига кўра, охирги пайтларда тарбияси оғир болалар билан бўғлиқ муаммоларнинг тез-тез учраб туриши ва улар сонининг кескин ошганлиги тасдиқланмоқда. Шунингдек, бу муаммони бир қанча ташқи сабабларга боғлаш мумкин, яъни, ҳозирги вақтда ахборот оқимининг юқорилиги (узлуксиз телевизор кўриш, кампьютерда ҳар хил ўйинлар ўйнаш, Интернет тизимидағи норасмий сайтлар орқали ҳар хил номақбул ахборотларни ўзлаштириш) ёки катталарнинг эътибори, оиласдаги иқтисод ва ҳоказолар.

Америкалик амалиётчи педагоглар томонидан педагогик хизмат доирасида бола тарбиясидаги салбий ўзгаришларнинг олдини олишда энг аввало болага таъсир кўрсатиш зарурлиги таъкидланади. Бунинг учун боланинг ўзини ўзгартиришга тайёрлаш, яъни:

- ташқи мухит таъсиридан саросимага тушмаслик;
- турли ҳил қийинчиликларни йэнгиб ўтишга ўргатиш лозим.

Олимларнинг фикрича болада мавжуд нотўғри салбий ўзгаришлами

рухий ривожланишнинг меъёр даражасига етказиш орқали бола тарбиясидаги қийинчилекларни йўқотишига эришиш мумкин. Шундай экан, инсоннинг психик тараққиётида ва шахсий сифатларининг таркиб топишида ташқи ижтимоий муҳит ва тарбиянинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Инсон табиатини ўзгартирадиган, Лининг шахсини таркиб топишига таъсир қиласидиган куч - ижтимоий омиллар ёки бошқачароқ қилиб айтганда, жамият ишлаб чиқариш кучлари, ҳамда ишлаб чиқариш муносабатларининг ўсиши ва ўзгаришидир. Бундан ташқари яна инсон шахсининг таркиб топишига таъсир қилувчи кучли омил - инсон орттирган тажрибаларнинг тарбия воситаси орқали болаларга берилишидир. Шундай экан, инсоннинг психик тараққиётида ва шахсий сифатларининг таркиб топишида ташқи ижтимоий муҳит ва тарбиянинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Маълумки, одамга ҳеч вақт унинг психик хусусиятлари, яъни унинг ақлий томонлари билан боғлиқ бўиган сифатлари наслий йўл билан берилмайди деб изоҳланади. Лекин, шуни ҳеч қачон есдан чиқармаслик керакки, реал ҳаётда кўпинча инсоннинг характер хусусиятидаги салбий оғишлар унинг наслий таркиби билан боғлиқ эканлигига амин бўламиз.

Хулоса қилиб айтганда, боладаги салбий иллатларни олдини олиш ва уларни бартараф этишда куйидагиларга эътиборни қаратиш лозим:

- биринчи ўринда, ҳар бир ёш даврни ўзига хос психологик ривожланиш даражаларини аниқлаб олиш лозим.
- иккинчи ўринда, болани тарбиясидаги содир бўлаётган салбий ўзгаришларни ўрганиб чиқиш керак.
- учинчи ўринда, тарбияси оғир болаларнинг психологик ривожланишини меъёрлаштиришга йўналтирилган маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиш лозимdir.

Шунга амал қилган ҳолда куйидаги тавсияларни ишлаб чиқдик:

- Мактаб ҳудудида кўча-куйда, ўқитувчилар, тарбиячилар, отаоналар ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

- Болага бўш вақтидан унумли фойдаланиш йўлларини ўргата бориш вауни назорат қилиш.
- Ижтимоий фойдали меҳнат турларидаф унумли ва оқилона фойдаланиш.
- Болани унинг қизиқиши ва қобилиятини хисобга олган ҳолда тўгаракларга қатнаштириш.
- Ижобий қаҳрамонламинг ҳатти- ҳаракатлари, ютуқлари, шу ютуқларга еришиш учун курашлари кабиларга эътиборни қаратиш.
- Барча дарсларда ўша тарбияси оғир болани иложи борича бир дақиқа ҳам назардан қочирмаслик.
- Ота-оналарни психологик билимлардан хабардор бўлишини таъминлаш;
- Мактабда ўtkазиладиган турли тадбирлар: ҳар- хил кечаларда, ўз тенгдошлари даврасида, ўртоқлари орасида унга сўз навбатини бериш, уларда фаол бўлишини таъминлаш.
- Газета, радио, телевидение ва журналлардан тўғри фойдаланишни ўргатиш.
- Рағбатлантириш методларини ишлатиб кўриш. Лозим топилаганда олган баҳоларга ярим балл, бир балл қўшиш, ютуқларини синфда, мактабда меъёрида таъкидлаб қўйиш.
- Агар бола тартибсиз, интизомсиз даврага ўралашиб кириб қолган бўлса, уни тезлик билан ўша даврадан ажратиб олиб, сўнг ўша тарбияси оғир болани "яхши" ва "аъло" баҳоларга ўқийдиган интизомли ўқувчиларга бириктириб қўйиш.
- Кўпроқ уйга меҳмон чакириб, тез - тез меҳмонга бориб туриш.

## **П. БОБ ТАРБИЯСИ ҚИЙИН ЎСМИРЛАР ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Индивидуал ёндашувнинг бола тарбиясида самарадолиги**

Мамлакатимиз мустақилликка еришгандан буён жамиятимизда келажагимиз бунёдкори бўлган ёшларга нисбатан эътибор анча кучайди. Айниқса халқ таълими соҳасида жиддий ўзгаришлар бўлмоқда. Бугунги кунда ўқувчилар билим тарбиясидаги ижобий ўзгаришларни ҳар дамда сезиш мумкин.

Ўзбекистонни бутун жаҳон тан олаётган бир пайтда ёш авлодни тўғри тарбиялаш муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланмоқда. "Келажакка қандай ёшлар керак? Уларни қандай тарбиялаш лозим?" деган саволлар хозирги кунда ҳар бир жонкуяр педагогни ташвишга солиб келмоқда.

Бола мактаб остонасига қадам қўйгунига қадар оиласдаги олти, етти йиллик ҳаёти мобайнида дунёқараши ҳарактери озми - кўпми шаклланиб қолади. Бола тарбияси мактаб билан оиланинг биргаликдаги бурчи эканлигини тан оган ҳолда, бу жараёнда оила биринчи даражали тарбиячи эканлигини ҳам назарда тутиш лозим.

Болалар нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига, ўзларига баҳо берадилар, улар езгулик мезонини, интилишлари мўлжалини даставвал ота - оналари ҳаёти тарзига қараб белгилайдилар. Яхши тарбия бериб, яхш кишиларни камол топтирган оилалардаги софдиллик, самимийлик, бир - бирига ҳурмат болаларда ҳам шу фазилатларнинг камол топишига сабаб бўлади. Ахил оиласда боланинг хулқ - атвори меъёрлари тўғрисидаги тасаввuri ота - оналарининг хулқи билан уйғун бўлса, фарзандларини оқилона сўраб - тергаб турсалар, бу уйдан тарбиясиз бола чиқиши мумкин эмас. Ҳарқалай ҳақиқат, меҳру - оқибат, адолат тушунчалари ўрнини ичиқоралик, лоқайдлик, маънавий заифлик, инсоний муносабатлардаги қашшоқлик, ахлоқий нопоклик ҳукм сурган оилаларда ўсган болаларнинг тарбияси кўпинча издан чиқади.

Бола яхшилик ва ёмонликка, ҳақ ва ноҳақликка нисбатан жуда сезгир бўлади. Агар катта ёшдаги одам ноҳақликни хато деб тушуниши мумкин бўлса, бола ҳаётнинг барча мураккабликларини ҳали тушунмайди. Афсуски, катта ёшдагиларнинг ҳаммаси ҳам боланинг руҳий кечинмалари тўғрисидаги тасавурларга эга деб бўлмайди. Руҳий ҳолат инсоннинг бирон-бир тарзда бола шахсига таъсир этувчи хатти - ҳаракатларига берилган чуқур шахсий эмоционал баҳодир. Эмоционал таъсир болага хос ҳолат.

Болага ноҳақлик қаттиқ таъсир қиласди. Бола қўпол бақиришда ҳам, мазаҳ қилишда ҳам, йўл-йўлакай айтилган танбеҳда ҳам, катталарнинг болага эътиборсизлигида ҳам ноҳақликни кўради. Ноҳақлик хақорат бўлиб туюлади, унинг иззат нафсига тегади, ғазабини қўзгайди, унинг қалбида актив (нафрат) ва пассив (ғийбат ва кўра олмаслик) норозиликнинг турли-туман формаларини келтириб чиқаради. Катта ёшдаги одамни енгилгина ҳаяжонлантирган нарса, болада катта қулфатнинг манбаи бўлиши мумкин.

Ота - онанинг енгил-елпи меҳнатни оқлаб, осон пул топиш йўлларини болалар олдида мақтаб гапириши, отанинг ўз ҳамкорини мазаҳ қилиб, мақтаниб айтган гаплари болага ахлоқсизлик даражасини очиб беради. Тарбия тўғри ва узлуксиз бўлсагина ижобий самара беради. Одатда тартибсиз, интизомсиз, ишёқмас, ўқишида қолоқ ва нўноқ ўқувчилар "тарбияси қийин" бола ҳисобланади. Тажрибалардан маълумки, болалар характер жиҳатдан ҳар хил бўладилар. Бундай болаларнинг айримлари аномал хулқ-атворли, баъзилари сотциал ва бир қисми тарбияси оғир бўлиши мумкин. Ахлоқ нормаларига жамият талабларига жавоб бермайдиган хулқ-атворли болалар АСОТЦИАЛ ХУЛҚ-АТВОРЛИ болалар деб аталади. Аномал хулқ- атвор ва ҳаракат бола миясининг касаллиги билан боғлиқ бўлади. ТАРБИЯСИ ҚИЙИН БОЛАЛАР- булар тарбияда эътибордан четда қолган, ўз холига ташлаб қўйилган болалардир. Улар қаердадир, қачонлардир, кимларнингдир томонидан йўл қўйилган хатолар, тарбиялашда уларга индивидуал ёндоша билмаслик оқибатида пайдо бўлади. Тарбияси қийин болалар мураккаб тушунча. Уларнинг ҳар бирида тарбияси қийин

бошқа болаларга ўхшамаган, ўзигагина хос алоҳида индивидуал хусусиятидир. Ўз сабаби, ўз хусусияти, ўзининг нормадан четга чиқиши, ўзининг тарбия йўли бўлади. Бошқача айтганда, нормал таълим-тарбия жараёнидан четда қолган, ўқитувчилар, ўртоқлари билан нормал муносабат ўрната олмаган, қалб түғёнларини ошкор етишнинг тўғри усулларини топа билмаган болалар тарбияси қийин болалар турига киради. Бундай болаларни ўз вақтида пайқаб, улар билан яхши иш олиб борилмаса, уларга жамоатчилик таъсирини ўтказилмаса, нохуш қўнгилсиз воқеалар содир бўлиши мумкин. Демак, "тарбияси қийин" деган ибора ўта салбий маънони билдирамайди. У ёмон бузилган, ишончсиз бола эмас. Тарбияси қийин болага алоҳида муносабат, эътибор ва индивидуал ёндошув зарур.

**Индивидуал ёндашувда бола тарбиясининг самарадолиги.**

Индивидуал ёндашув ўқитувчи ва ота - оналардан болаларга нисбатан ғамхурлик муомалада эҳтиёт бўлишини талаб қиласи. Тўғри индивидуал ёндаша билиш учун болада бирор хислатнинг таркиб топишига таъсир етадиган индивидуал, маҳсус шарт-шароитларни билиш ва ҳисобга олиш, болаларнинг хатти-ҳаракатларини намоён қилишга ундаётган сабабларни билиш лозим. Мактабнинг 7- синф ўқувчиларидан бири зийрак бола, аммо ўртоқлари ва баъзи ўқитувчилари билан ҳам кескин ва қўпол муомалада бўлади. Ўз харакатларини ва гапларини назорат қилиб турмаганлигидан уни ўқитувчилар тез-тез огохлантириб турадилар. Тўғри, тарбия давомида бола бу камчиликдан тез холи бўлиши мумкин. Бироқ, яна бир ўқувчида намоён бўлаётган қўполлик эса бошқачароқ. Унинг хулқ-атворида қандайдир ғзаб аломатлари кўринади. У ўқитувчига ва кўпгина ўртоқларига ишончсизлик билан қарайди. Ташқи кўринишида, унинг хулқ-атворида ортиқча қўполлик ва кескинлик кўринмаса ҳам, у худбинроқ ва такаббурроқ бола. У оиласда ёмон тарбилинган. Бундай болалар синф ва мактабнинг ички тартиб қоидаларини бузади. Бундай ўқувчилар билан ишни индивидуал психологик хусусиятларини чукур ўрганишдан бошлаш ва болада намоён бўлган ёки бўлаётган жиддий қусурларнинг келиб чиқиш сабабларини текшириб

аниқлаш лозим. Бунинг учун боланинг ким билан партада ўтириши, ким энг яқин ўртоғи эканини уларнинг нималар ҳақида гаплашиши, уйга кимлар билан кетиши, маҳалладаги ўртоқлари ким эканини аниқлаш лозим. Бу ишларни ўқитувчи ҳам, ота-она ҳам иложи борича болага сездирмасдан қилиши керак.

Мана бундай ходиса ҳам кўпчиликни ташвишлантирса керак: синфдаги ҳамма бола ўқитувчини дикқат билан тинглаб ўтирибди. У оддий сонларни кўпайтиришни тушунтирумокда. Орқа партада икки ўқувчи ҳам тинглаб ўтирибди, ҳар қалай нима ҳақида гаплар бўлаётганини тушунишни истайди. Бошқа ўқувчилар яхши тушуниб мисолни ечишди, халиги икки ўқувчидан бири ҳеч нимага тушунмаяпти. Ўқитувчи мустақил ечиш учун масала берди. Ҳамма бирин-кетин уни еча бошлайди, биргина ўқувчи масалага тикилиб қовоғини солиб ўтирибди. У масала шартига ҳеч тушунмаяпти. Ўзича тушунсада амаллар кетма-кетлиги қоидасига биноан ишлашни билмаяпти. Ўқитувчи кейинги масалага ёки мисол тенгламага ўтишга кўрсатма берди. Ўқувчилар "ким ўзарга" мисол-масалаларни еча кетишли.

Ўқитувчи ҳам уларнинг шаштидан, мавзуни "яхши" тушунтириб берганидан хурсанд, "биринчи"ларга баҳо кўйиш, "мен ечиб бўлдим" деганларникини текшириб бериш билан овора. Шу тариқа дарс охирига етганини ўқитувчи ҳам, ўқувчилар ҳам сезмай қолишли. Лекин тушунишга ҳаракат қилиб тушуна олмаган, масалани ечишга ҳаракат қилиб йеча олмаган, тенгдошлари 3-4 мисол масалани ечган бўлсада, у ҳали биттасини ҳам еча олмай қолган бир, икки болачи? Улар қандай ҳолда танаффусни қарши олиши? Азобли ўтган 45 дақиқага ачинишдими ёки ўқитувчилари уларни мисол масалаларини еча олмаганини "сезмай" қолганидан хурсанд бўлишдими? Енди кейинги дарсга уй вазифаларини синфдошларидан кўчириб олишади ё бирон баҳона топишади. Яна олдинги ҳолат такрорланади, бир сафар ўқитувчи "сезиб қолса" ўzlари тушуниб-тушунмай "кўчирмакашлик" қилишади. Бир кун шу оддий амалларни тушуниб олади-да

дэйишимиз мумкин, лекин шу "бир кун"гача оддий амаллар мураккаблашиб улгурадику. Енди оддий масала еча олмаган тушунмаган бола, қандай қилиб касрли, илдизли ва ҳакозо мисолларни еча олади? Бундай ҳолларда боланинг ўзлаштириши тушуб кетади. Мактаб раҳбарияти ўзлаштиrmовчи ўқувчиларни пайдо бўлишини ўқитувчидан кўради: ўргата олмаган деб ҳисоблайди. Ўқитувчи эса боланинг ўзини айблайди: эътиборсиз, етарлича савотли эмас, уй вазифаларни бажармайди, дангаса, ўртоқларидан кўчиради в.х.к.

Баъзан ўқитувчининг тахминлари тўғрига ўхшайди. Синфда 25-30 ўқувчи ўқиса уларнинг қай бири билан алоҳида ишлашга улгураман, ўзи 45 дақиқа вақт бўлса деган тушунтиришлар ҳам қулоққа чалинади. "Унга тушунтирганим билан бефойда тушунмайди. Уйида ҳам ота-онаси ҳам бор ёрдам берсин". Боланинг илм олишига бефарқ бўлмаган оила "уй вазифаларини ўзим бажаришга кўмаклашаман, лекин уй вазифаларини ўқитувчиси текширмайди" деса, бефарқи "ёзишни, санашни билса бўлди, керак бўлса ўрганиб олади" дейди. Бундай зиддиятли вазиятларни йўқойиш учун болага дарсда ҳам, дарсдан кейин ҳам индивидуал ёрдам бериши керак. "Сен тушунмайсан", "вақтим йўқ", "уйдагиларингдан сўра" деган гапларнинг ўрнига" сен ҳам ақлисан фақат озгина ҳаракат қилсанг уддалайсан", "сени ҳам тенгдошларингдан фарқинг йўқ, сен биласан", "кел мана осонроқ йўл билан ишлаб кўрайликчи" деган иборалар ишлатилса, ўқувчининг рухиятга, дунёқарашига қанчалик яхши таъсир етиши ўйлаб кўринг-а. Кичкина эътиборсизлик тушуна олмаслик, ўйлай олмаслик, фикрларни жамлай олмасликни келтириб чиқаради. Ўқитувчи ишонса, умидлари бехуда кетмайди. Ўзлаштиrmовчидан "тарбияси қийин" болага айланиб қолган боланинг ютуқларини маҳсус мезон билан ўлчайдиган бўлади. Ўқувчисининг кучига ишончини билдиради, рухиятига мадад беради. Ўқувчи ҳам ўқитувчига бўлган ишонч билан яшайди. "Боланинг интилаётганига ишониш- бу тарбиянинг ҳақиқий донишмандлиги, инсоний бардошлиги" (Сухомлинский). Ҳамма гап ўз кучига, ишончга ишонишда. Тарбияси қийин

бала шахсини бирданига тушуниб олиш қийин бўлган, ўзига алоҳида ёндашишни талаб қиласидиган шахс. Ўқитувчи кўпчилик ҳолларда синфдаги худди ана шунаقا болалар билан шуғулланишга вақт тополмайди, чунки у ҳам уларга "тарбияси қийин" болалар деб қарайди. Ўсмир ҳаётининг шундай масулиятли ва қалтис даврида унга рахнамолик қилиш, унда эндинга илдиз ота бошлаган иллатнинг олдини олиш боланинг келгуси тақдирида катта рол ўйнайди.

"Тарбияси қийин" бола ёшлигидан диққат-эътиборга, иззат-хурматга, меҳр-муҳаббатга ғоят ташна бўлади. Бугунги энг муҳим масалардан бири бола тарбияси билан шуғулланганда, айниқса, "тарбияси қийин" болалар билан ишлаганда меҳрибон ва ғамҳур бўлишни унутмаслиkdir. Зоро, педагог таълим-тарбия бўшашиб кетганлиги ва ниҳоят номаълум шарт-шароитлар туфайли асаблари бузилиши оқибатида соглиги ёмонлашган ёки салбий беқарорликга йўлиққанликлари учун бундай ўсмирларнинг хулқ-атвори издан чиқсан бўлади.

Болани "тарбияси қийин" ҳолатга олиб келувчи ягона сабаб йўқ. Шунингдек уларни ахлоқсизлик иллатларидан соғайтириб, мўмин-қобил қилиб қўядиган ягона шифобахш восита ҳам йўқ. Лекин шуниси ҳам аниқ-ки, жамоатчилик назоратининг бўшлиги туфайли оғирлашган ноқулай шарт-шароитлар, тарбия ишларида юзакичиликга йўл қўйиш ўсмир ҳаётида салбий оқибатларга олиб келади.

## 2.2. Ўсмир камолоти ва унинг характердаги шаклланиш жараёни

Дарҳақиқат "тарбияси қийин" болалардан кейинчалик алдамчилар, худбинлар, тўпалончилар чиқиб турди. Бу-ёшлик пайтида тарбия яхши бўлмаганлигидан, кичикларнинг кишиларга фойда келтирадиган энг яхши фазилатлар, саҳоват, меҳр-шафқат эгаси қилиб тарбиялашлари, шу сифатларни камол топтириш фурсати бой берилганлигидандир. Катталарнинг хатолари расмиятчилиги, кўрслиги, алдаши, виждонсизлиги,

маънавий нопоклиги, уларнинг ёмон йўлга кириб кетишига сабаб бўлади.

Ўсмир камолотининг энг оғир даври унинг характерининг шаклланиш жараёни мактабда таълим олиш йилларига тўғри келади. Характерининг шаклланиши эса ўспириннинг атрофдагилар билан бевосита алоқасига боғликдир. Қайси ҳаётий ва касбий йўлни танлаш, устозининг уни қандай тарбиялаши ва йўналтириши, кунига 5-6 соат мактабда бўладиган боланинг келажагини кўп жиҳатдан белгилайди. Уни камолотнинг тўғри йўлидан олиб борадиган, оламни танитадиган, оқил, олижаноб, абадий эзгуликларга ўргатадиган муассаса - мактаб. Баъзи бир мактабларнинг заиф томони шундаки, ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам муаллимлик ва тарбиячилик вазифасини бирдай уйғунлаштириб олиб бора олмаяптилар. Одатда улар ўқувчиларга ўз дарсини ўзлаштиши ёки ўзлаштира олмаслигига қараб баҳо берадилар. Яна шуни ҳам эсда тутиш лозимки, ёмон ўқийдиган бола - ёмон бола эмас, яъни билимга қўйилган баҳо шахсга берилган баҳо бўла олмайди.

Ҳар қандай касални вақтида даволаган маъқул. Эътиборсиз қолдирилган майда - чуйда нарсадан катта бахсизликка дучор бўлиш эҳтимоли туғилади.

Тарбия инсон учун кураш демакдир. Боланинг қандай бўлиши - бу шахсий иш бўмай, балки жамоатчиликни қизиқтирган муаммодир. Болани тарбиялаганда, у қилган гуноҳининг моҳиятини яхши англамаслиги оқибатида нима билан тугашини ҳали тасаввур қила билмаслигини ҳисобга олиш ҳам муҳим. У чинакам мард йигит билан дўст, чин ўртоқ бўлишни орзу қиласиди. Янглишиб ёки адашиб ёмонлар таъсирига тушиб қолганда эса унга дарҳол тўғри йўл кўрсатилса, ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади.

**Тарбияси қийин болалар билан ишлаш жараёнида тажриба синов ишлари.**

Мен тарбияси қийин ўсмирлар билан ишлаш жараёнида уларнинг психик ўзгаришлари, билиш жараёнларининг ўрганишда бевосита шаҳар вояга етмаганлар билан ишлаш реабилитатсия марказида, вояга етмаганлар ўртасида ижтимоий - хукуқий тарғибот марказида, шаҳар Ички Ишлар

Бошқармасининг вояга етмаганлар билан ишлаш назорати бўлимида бўлдим: У ерда олган маълумотларга асосланиб, тадқиқотни давом эттирдим. Иш жараёнида ҳозирги кунда Жиззах шаҳар Ички Ишлар Бўлими "Вояга етмаганлар билан ишлаш назорати" нозирларининг вояга етмаганларга ижтимоий - руҳий кўмак бериш марказидаги Холиков Ренат 1994 - йилда Жиззах шаҳар Иттифоқ маҳалласи, 29/11 хонадонда яшайди.

У Жиззах шаҳар мактабларининг бирида 8 - синфда ўқийди. Унинг бу ерга келиб қолишининг сабаби: у 2008 йил 28 сентябрда шаҳrimиздаги ресторанларнинг бирида бир гурӯх ўзидан катта ўспирин йигитлар билан овқатланишган. Орада алкогол истеъмол қилишган. Номаълум сабабларга кўра уларга ҳизмат кўрсатаётган оғитсиантни калтаклашга тушишган. Бу воқеани четда кузатиб турган мижозлардан бири уларни ажратиш мақсадида жанжалга аралашиб қолади. Йигитлар оғитсиант қолиб у йигитни дўпослаган ва натижа ўлим билан тугаган. Суд жараёнида йигитларнинг ҳар бирига 18-17 йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Холиковга эса хали вояга етмаганлигини ҳисобга олиб 8 йил-у, 6 ой муддатга жазони ўташ учун ахлоқни тузатиш колониясига юборилди. Бундай бўлишига сабаблар бир қанча: иқтисодий, моддий ўта таъминланганлик ва ота - онани, ўқитувчиларни эътиборсизлиги. Холиковлар оиласининг қўшнилари билан суҳбатда: ота - онани хар доим ишдалигини, фарзандининг тарбиясига эътиборсизлигини айтишди. Кейин унинг ўқитувчилари билан учрашдим. Ўқитувчиларининг айтишича, у бошланғич синфларда аъло баҳоларга ўқиганлигини, юқори синфга ўтгач эса ўзлаштириши пасайиб кетганлигини айтишди.

Бундан келиб чиқадики, оила билан мактаб ҳамкорлигининг тўғри йўлга кўйилганда эди, уйда ёлғиз қолаётган Ренатнинг бўш вақти тўғри ташкил этилганда эди бундай ҳунук воқеа юз бермас эди. Бола тарбиясидаги иқтисодий тўкин - сочинлик эмас, руҳий соғлом муҳит зарур.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Ўз касбининг хусусиятларини ўрганиб чиққан педагог олдида бу билимларни тарбияси қийин болалар билан ишлашда, уларни оғир хулқатворини олдини олишда уларга ёрдам бериш жараёнида амалий тадбиқ этиш муаммоси кўрилади. Бу муаммони ҳал қилиш учун педагогик фаолият методлари ва технологияларини билиш зарур. Авваламбор бу тушунчаларнинг таърифини аниқлаб олиш лозим. Олимларнинг фикрича педагогик амалиётидаги методлар - тарбияси қийин болага ёрдам берувчи ижобий тажриба тўпланишини таъминловчи педагогик ва боланинг ўзаро боғлик фаолияти бўлганлиги учун педагогика методлари ҳақида гапириш ҳали эрта. Улар ҳозир шаклланиш босқичидалар. Шунинг учун педагог ўз амалий фаолиятида педагогика, психология ва ижтимоий ишда қўлланаётган методлардан фойдаланади.

Ўсмирлик даврида ўсмир хаёти ва фаолиятида жиддий ўзгаришлар рўй беради, бу эса ўз навбатида руҳиятнинг қайта шаклланишига, тенгдошлари билан муносабатларнинг янги шакллари пайдо бўлишига олиб келади. Ўсмирнинг ижтимоий мақоми ўзгаради. Унга нисбатан катталар томонидан янада жиддийроқ талаблар қўйила бошлайди.

Ўсмирнинг нормал хулқатворининг ижобий ривожланиши эҳтиёжларига мос тушувчи ўзаро муносабати. Агар болани атрофдагилари ўсмирнинг у ёки бу хусусиятларига ўз вақтида эътибор қаратишса унинг хулқатвори доимо нормал бўлади.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

2. Каримов И.А. «Юксак маънавият енгилмас куч». Тошкент 2008 й.
3. Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида»: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари. Тошкент 1997 й.
4. Ҳасанбоев Ж.Ю., Усмонбоева М.Педагогика /маъruzалар матни/. Т.: 2001.
5. Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 2001.
6. Бегматов А., Қурбонов М. «Ижтимоий педагогиканинг долзарб масалалари», Т. ОПИ нашри, 1998-106.
7. Алиқориев Н.С. Социология ва таълим тараққиёти таълим муоммолари илмий услубий ютуқлар ва илғор тажрибалар. Тошкент. 1998.
8. Иномова М.О. Фарзанд-ниҳол, ота-она-боғбон. Тошкент.- ўқитувчи, 1993й.
9. Холбеков А.Ж. Шарқ ва ғарб мутафаккирларининг социологик таълимоти. Т. Университет. 1996
10. «Болаларга психик муаммолари бўйича маслаҳатлар бериш». Т., 1997 й.
11. Фозиев Э.Г. Маматов М.М. ва бошқалар “Ўспирин психологияси” Тош Д.У 1992
12. Фозиев. “Тафаккур психологияси”. Тошкент. “Ўқитувчи”-1990.
13. Тўйчиева Г.У., Асадова Е. Ёшлар ва конфликтлар ечими. Т.: 200
14. Степанов Е.И. Современная конфликтология. Москва 2008.
15. ШоумаровҒ.Б. “Оила психологияси” Т: 2000.